

## ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК МАДАНИЯТИДА ТАКТИЛ МУЛОҚОТ ВОСИТАСИНING ГЕНДЕР ТАҲЛИЛИ

*Рахматуллаева Умида Хомидовна*

*Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети*

*Факультетлараро инглиз тили кафедраси ўқитувчиси*

*Tel: 99899 9915635*

Тегиниш жести суҳбатдошга таъсирини кучайтиради, унга психологик таъсир кўрсатади. Баъзи ҳолларда бу жест ҳамдардлик, мойиллик белгисидир ва суҳбатдошнинг бирон илтимоси билан бирга намоён бўлади. мисол Таҳлил этганимиздек, аёллар кўпроқ тегиниб мулоқотга киришар экан. Бу ҳолатни аёлларнинг ижтимоий роли-оналик билан, ёш авлоднинг тарбияловчиси омили билан ҳам боғласак бўлади. Психологларнинг тадқиқотига кўра, қамоқхонадаги махбусларнинг, жиноятчиларнинг аксарияти ёшлигида кам тегиниб тарбияланган, яъни меҳр кам берилган инсонлар ташкил этар экан. Шунинг учун ҳам психологлар тактил жестларни муҳим роль ўйновчи восита эканлигини тасдиқлайдилар. Аёлларнинг ўпишишлари, кучоклашишлари, саломлашиш, мурожаат қилиш, табриклаш маросимлари, миннатдорчилик изҳорлари ва бошқа коммуникатив вазиятларнинг ажралмас қисмидир.

Ким кимга қандай йўллар билан қанча вақт тегяпти ва қандай оқибатларга олиб келяпти. Ж.А. Холлнинг таҳлиллари кутилган натижани бермади. Аёллар эркакларга қараганда кўпроқ тегинишлари тасдиқланди [1]. Маёр Шмидлин ва Уилямслар расмга тушган фото суратлар потенциал ҳисобланиши мумкин бўлган натижалар. Бу ерда ёш жуда ҳам муҳим. 30 ёшдан ошмаган эркак ва аёл жинсдагилар учун тегинишда эркаклар ташаббус кўрсатадилар. 30 ёшдан ошган қарама-қарши жинсларда эса аёллар ташаббус кўрсатадилар [2]. Муносабатларнинг табиатига қараб ҳам ҳисобланади. Интим бўлмаган ҳолатларда, жамоат жойларида эркаклар, кўпроқ тегиниб мулоқотга киришса, эрхотин муносабатларида аёл кўпроқ тегинишга мойил [3]. Турмуш қурмаган эркак турмушга чиқмаган қиздан кўра тегиниб суҳбатлашиши қулайроқ [4]. Аёллар эркакларга қараганда бир-бирлари билан тегинишлари оддий ҳол, аммо эркаклар бир жинсли бўлиб тегинишса, ҳижолат тортадилар. Аёлларнинг эса бегоналар билан шундай яқин муносабатда бўлишса, ўнғайсизланадилар [5]. Тегинишдаги гендер фарқлари тегиниш давомийлиги эркакларда устун эканлигини кўрсатди. Эркаклар аёлларга қараганда узоқроқ вақт тегиниб туради [6]. Тадқиқотлар эркак ва аёллар суҳбати самарали чиқиши учун тегиниб гаплашишларини кўрсатди. Нотаниш шериклар орасида кўпроқ аёллар тегиниб гаплаша оладилар, эркаклар эса жаҳлини босиш учун ушлаб суҳбатлашади [7]. Шахслараро алоқадан

ташқари, ўзини-ўзи тегиш гендер аспектида таҳлил қилинди. Эркаклар билан солиштирганда аёллар кўпроқ ўзларини тегишлари маълум бўлди [8].

Ўзбек аёллари эса саломлашиш вақти бир-бирларининг билагидан тутишлари, икки қўллаб елкаларини қучишлари, қўл сиқишлари, орасидаги муносабатга қараб (асосан қизлар) бир-бирининг ёноқларидан ўпишлари мумкин. Мисол

Хайрлашаётганларида эса кўп ҳолларда нутқ орқали, баъзан ёноқларидан ўпишиб, елкаларидан қоқишиб хайрлашадилар.

Инглиз маданиятида эса аксинча: эркак ва аёл муносабатларининг яқинлигига қараб яноқларидан ўпишиб, жуфтликлар лабидан ўпиб, айрим вазиятларда эркак аёлнинг қўлидан ўпиб саломлашишса, хайрлашаётганларида эса қўл силкиб, ёноқларидан ўпиб, қучоқлашиб, бир-бирларининг қўлидан сиқиб ёки вербал нутқ орқали хайрлашадилар. Қўлларини силкитиб хайрлашишдан эса эркаклар ҳам, аёллар ҳам фойдаланадилар. –*All alone, Gatsby stood on the white steps waving goodbye* [9]. -Аёллар ҳам орадаги муносабатга қараб қўл сиқиб, ёноқларидан ўпиб, қучоқлашиб ёки ҳеч қандай тактил воситасиз нутқ орқали саломлашишса, хайрлашаётганларида ҳам қўл силкиб, бир-бирининг юзларидан ўпиб, расмий ҳолатларда қўл сиқиб хайрлашадилар. –**“Well I must go. I am pleased to have met you. Goodbye!” she said shaking hands with Mrs Higgins** [10].

Шунингдек, ўзбек маданиятида эркаклар бир-бирлари билан саломлашаётганларида ҳар хил қўл бериб кўришиш тактил алоқалари бор. Бунда ёши каттароқ биринчи бўлиб икки қўлини чўзади. Икки қўлида саломлашиш самимийлик, ҳурмат белгиси бўлиб, мулоқотчи ўзига ишончини кучайтиришга, шеригига бўлган ҳис-туйғулари чуқур эканлигини кўрсатишга интилади. Бундан ташқари, агар ташаббускор суҳбатдошининг билагини ушлаб турса демак бу жест билан у қўлини ушлаб турган ҳолатига нисбатан илиқроқ фикрлар айтади. Бу қўл бериб кўришиш тактил алоқа фақат ораларида илиқ муносабат бўлган мулоқотчилар ўртасида ишлатилади. Замонавий, ёшлар орасида одатий саломлашиш жестларидан бири “қўл бериб, бош уриштириб” кўришиш. Бу тактил алоқа асосан ёшлар ўртасида ишлатилади.

Шундай қилиб тактил алоқа элементлари эркак ва аёлларнинг новербал хатти-ҳаракатларини янада осонроқ, аниқроқ ифодалашга хизмат қилади. Ўзбек жамиятида аёллар ўзларининг ҳис-туйғуларини эркакка нисбатан очиқ ифода этишлари одатий ҳол эмас.

### Адабиётлар

1. Hall, J. A. (2011). Gender and status patterns in social touch. In M. Hertenstein (Ed.), *The handbook of touch: Neuroscience, behavioral, and health perspectives*

- (pp. 329–350). New York, NY: Springer.
2. Hall, J. A., & Veccia, E. M. (1990). More “touching” observations: New insights on men, women, and interpersonal touch. *Journal of Personality and Social Psychology*, 59, 1155–1162. <http://dx.doi.org/10.1037/0022-3514.59.6.1155>
  3. Smith, J. C. S., Vogel, D. L., Madon, S., & Edwards, S. R. (2011). The power of touch: Nonverbal communication within married dyads. *Counseling Psychologist*, 39, 764–787. <http://dx.doi.org/10.1177/0011000010385849>
  4. Hanzal, A., Segrin, C., & Dorros, S. M. (2008). The role of marital status and age on men’s and women’s reactions to touch from relational partner. *Journal of Nonverbal Behavior*, 32, 21–35. <http://dx.doi.org/10.1007/s10919-007-0039-1>
  5. Kneidinger, L. M., Maple, T. L., & Tross, S. A. (2001). Touching behavior in sport: Functional components, analysis of sex differences, and ethological considerations. *Journal of Nonverbal Behavior*, 25, 43–62. <http://dx.doi.org/10.1023/A:1006785107778>
  6. McCormick, N. B., & Jones, A. J. (1989). Gender differences in nonverbal flirtation. *Journal of Sex Education and Therapy*, 15, 271–282.
  7. Hertenstein, M. J., & Keltner, D. (2011). Gender and the communication of emotion via touch. *Sex Roles*, 64, 70–80. <http://dx.doi.org/10.1007/s11199-010-9842-y>
  8. Hall, J. A. (1984). *Nonverbal gender differences: Communication accuracy and expressive style*. Baltimore, MD: The John Hopkins University Press
  9. F. Scott Fitzgerald, *The Great Gatsby*. 1925, P-25
  10. George Bernard Show, *Pygmalion*. 1912, P-24